



**Б У Й Р У Қ № 280-У**

Бухоро шаҳри

“07” сентябр 2019 йил

Талабалар сафига қайта тиклаш  
ва ўқишини кўчириш тўғрисида

Бухоро муҳандислик-технология институтининг олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича комиссиясининг йиғилиш баёнини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорининг 3-илоvasи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 6-бандига асосан

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Бухоро муҳандислик-технология институтининг олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича комиссиясининг йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бухоро муҳандислик-технология институтининг олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича ўқиш тўлов-контракт асосида қайта тикланган собиқ талабаларнинг рўйхати 1-иловага, олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича ўқиш тўлов-контракт асосида кўчиришга (қайта тиклаб) рухсат берилган талабаларининг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бухоро муҳандислик-технология институтининг олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича комиссияси томонидан:

- ўқиш қайта тиклаш ёки кўчириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган талаба (собиқ талаба)ларга мурожаатини кўриб чиқиш натижалари бўйича белгиланган тартибда маълумот тақдим қилинсин;

- Бухоро муҳандислик-технология институтининг олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талабалар ўқиш қайта тиклаш бўйича комиссияси йиғилиш баёни институт расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги каналларига жойлаштирилсин.

4. Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими (Ю.Бешимов) томонидан факультет деканлари билан биргаликда 10 кунлик муддатда мазкур буйруқнинг 1-2-иловалари асосида ўқиши қайта тикланиши ёки кўчирилиши белгиланган талабалар билан тўлов-контракт асосида ўқитиш бўйича шартномалар қайта расмийлаштирилсин.

5. Факультет деканлари томонидан:

- 1 ҳафта муддатда ушбу буйруқнинг 1-2-иловаларида қайд қилинган талабаларни талабалар сафига қайта тиклаш, кўчириш ва кўчириб тиклашга, белгиланган тартиб ва муддатларда дарсларга қатнашишига руҳсат этиш ҳақидаги институт ректорининг буйруғи лойиҳаси тайёрлансин, бунда ўқув режалардаги фанлари бўйича фарқлар аниқланган талабалар академик қарздор сифатида қайд қилинсин;

- ушбу буйруқнинг 1-илоvasида қайта тиклаш қайд қилинган талабаларни талабалар сафига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги институт ректорининг буйруғи лойиҳаси, улар белгиланган муддатда шартнома тўловларини тўлаганидан сўнг 5 кун муддатда тайёрлансин;

- академик қарздорлиги (фарқлари) мавжуд мазкур талабаларга жорий семестр давомида академик қарздорлик (фарқлар) бартараф этилган муддатдан бошлаб, талаба томонидан амалга оширилган контракт-тўлови стипендияси бўлган тақдирда ўрнатилган тартибда стипендия бериш ҳақидаги институт ректори буйруғининг лойиҳаси тайёрлансин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича биринчи проректор Ш.М.Ходжиев зиммасига юклатилсин.

Асос: олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича комиссияси йиғилиш баёни.



NUSXA  
ASLIGA TO'G'RI

Проректор  
Н.Р.Баракаев

**Институт қабул комиссияси қошида ташкил этилган  
талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш  
комиссиясининг йиғилиш  
БАЁНИ**

**Бухоро ш. 07.09.2019 йил**

**Қатнашдилар:** комиссия раиси Н.Р.Баракаев, комиссия раиси ўринбосари Ш.М. Ходжиев, аъзолари:С.Мусаев, Ш. Раззаков, Ш.Муродов, Р.Адизов, Ш. Атауллаев, А.Гаффаров, Б.Тоиров, комиссия котиби М.Талабов, юрисконсулт Э.Ғафуров.

**КУН ТАРТИБИ**

1. Талабалар сафига ўқишини қайта тиклаш ёки кўчириш тўғрисидаги ҳужжатлар муҳокамаси.

Кун тартибидаги масала бўйича институт ректори Н.Р.Баракаев сўзга чиқиб, талаба (собик талаба)ларнинг ўқишини мос ва турдош йўналишларга кўчириш ва қайта тиклаш жараёнини ташкил этиш учун институт ректорининг 12.07.2019 йилдаги 118-У-сонли буйруғи билан институт қабул комиссияси қошида ишчи комиссия ташкил этилганлиги, бу комиссия томонидан 2019 йил 15 июлдан 5 августгача бўлган даврда талаба (собик талаба)лар мос ва турдош таълим йўналишларга кўчириш ёки қайта тиклаш учун ҳужжатлари қабул қилинганлигини таъкидлаб, келиб тушган ҳужжатлар билан таништириш учун сўзни комиссия котиби М.Д.Талабовга берди.

М.Д.Талабов томонидан “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан мос ва турдош таълим йўналишларига ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш тўғрисида жами **135 нафар** талаба (собик талаба)ларнинг аризалари келиб тушганлиги, шу жумладан **54** та ҳолатда ўқишни кундузги таълим йўналишларига, **81** та ҳолатда ўқишни сиртқи таълим йўналишларига кўчириш ва тиклаб кўчириш, ушбу ҳужжатлар академик қарзлар ёки фарқларни аниқлаш учун факультетларга тақдим қилинганлиги, факультетлар деканлари томонидан аниқланган академик қарз ва фарқлар асосида мазкур ҳужжатлар бўйича тегишли жадваллар расмийлаштирилиб, факультет декани имзоси билан тасдиқланган ҳолда, комиссияга қайтарилганлиги, аниқланган академик қарз ва фарқлар асосида талабалар қайси ўқув семестридан бошлаб ўқишини бошлаши бўйича тавсиялар лойиҳалари тайёрланганлиги ҳамда

ушбу маълумотлар комиссия йиғилишида муҳокама қилиниши маълум қилиниб, маълумотлар жадвал шаклида тақдим қилинди.

Кун тартибидаги масала бўйича Ш.Ходжиев томонидан институт талаба (собиқ талаба)ларининг ўқишга қайта тиклаш, кўчириш ёки қайта тиклаб кўчириш учун топширган ҳужжатлари таҳлил қилиниб, улар даъвогарлик қилаётган таълим йўналишлари турдош эканлиги ҳамда намунавий ўқув режаларидаги фарқларга аниқлик киритилганлигини сўралди.

Мазкур ҳолат бўйича Б.Тоиров томонидан ўқишни қайта тиклаш, кўчириш ёки қайта тиклаб кўчириш учун барча ҳужжатлар турдош эканлиги, шунингдек факультет деканлари томонидан рейтинг дафтарчалари ва намунавий ўқув режалари асосида академик қарз ва фарқлар аниқланганлиги, ушбу ҳужжатларини бугунги йиғилишда муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эканлиги маълум қилинди.

Шундан сўнг, Б.Тоиров томонидан комиссияга ҳужжатлар асосида аниқланган академик қарз ва фарқлар ҳамда тавсия этилаётган ўқув семестри ҳақида маълумот берилди.

Комиссия барча ҳужжатларни кўриб чиқиб, юзага келган саволларга жавоб олган ҳолда, намунавий ўқув режаларидаги умумқасбий ва ихтисослик (мутахассислик) фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошган ҳолатларда мурожаатни қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида фикрга келинди.

Кун тартибидаги масалаларни тўлиқ кўриб чиқиб, Бухоро муҳандислик-технология институтининг олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича комиссияси

#### **қарор қилади:**

1. Кун тартибидаги масалалар бўйича Бухоро муҳандислик-технология институтининг олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича комиссияси котиби М.Д.Талабовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур йиғилиш баёнининг 1-иловасидаги жадвалга мувофиқ, Бухоро муҳандислик-технология институтининг олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича қуйидаги талаба (собиқ талаба)ларининг ўқишини тўлов-контракт асосида қайта тиклаш тавсия қилинсин.

3. Мазкур йиғилиш баёнининг 2-иловасидаги жадвалга мувофиқ, Бухоро муҳандислик-технология институтининг олий таълимнинг мос ва турдош

йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича қуйидаги талаба (собик талаба)ларининг ўқишини тўлов-контракт асосида кўчириш (қайта тиклаб) тавсия қилинсин.

4. Мазкур йиғилиш баёнининг 3-илоvasидаги жадвалга мувофиқ, Бухоро муҳандислик-технология институтининг олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талаба (собик талаба)ларининг ўқишини кўчириш тўғрисидаги қуйидаги мурожаатлари намунавий ўқув режаларидаги умумқасбий ва ихтисослик (мутахассислик) фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошганлиги сабабли қаноатлантириш рад қилинсин.

5. Бухоро муҳандислик-технология институтининг олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича комиссияси томонидан ўқишини қайта тиклаш ёки кўчириш тавсия қилинган талабалар мазкур йиғилиш баёни билан таништирилсин, йиғилиш баёни институт расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги каналларга жойлаштирилсин.

6. Бухоро муҳандислик-технология институтининг олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича комиссияси томонидан ўқишни кўчириш (қайта тиклаш) бўйича рад жавоби берилган аризалар бўйича аризада кўрсатилган манзилга белгиланган тартибда жавоб хати йўллансин.

7. Мазкур йиғилиш баёни асосида ўқишини қайта тиклаш ёки кўчириш тавсия қилинган талабалар билан факультет деканлари ва буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими томонидан 10 кунлик муддатда тўлов-контракт асосида ўқитиш бўйича шартнома қайта расмийлаштирилсин.

8. Факультет деканлари томонидан:

-1 ҳафта муддатда ушбу йиғилиш баёнининг 1-2-иловаларида қайд қилинган талабаларни талабалар сафига қайта тиклаш, кўчириш ва кўчириб тиклашга, белгиланган тартиб ва муддатларда дарсларга қатнашишига рухсат этиш ҳақидаги институт ректорининг буйруғи лойиҳаси тайёрлансин, бунда ўқув режалардаги фанлари бўйича фарқлар аниқланган талабалар академик қарздор сифатида қайд қилинсин;

- ушбу йиғилиш баёнининг 1-илоvasида қайта тиклаш қайд қилинган талабаларни талабалар сафига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги институт ректорининг буйруғи лойиҳаси, улар белгиланган муддатда шартнома тўловларини тўлаганидан сўнг 5 кун муддатда тайёрлансин;

- ушбу йиғилиш баёнининг 1-2-иловаларида академик қарздорлиги (фарқлари) мавжуд талабаларга жорий семестр давомида академик қарздорлик (фарқлар) бартараф этилган муддатдан бошлаб, ўрнатилган тартибда стипендия бериш ҳақидаги институт ректори буйруғининг лойиҳаси тайёрлансин.

**Комиссия раиси**

**Н.Р.Баракаев**

**Комиссия раиси ўринбосари**

**Ш.М.Ходжиев**

**Комиссия аъзолари:**

**С.Мусаев**

**Ш.Раззаков**

**Ш.Муродов**

**Р.Адизов**

**Ш.Атауллаев**

**А.Гаффаров**

**Б.Тоиров**

**Юрисконсулт**

**О.Ғафуров**

**Комиссия котиби**

**М.Д.Талабов**